



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 29 » mart

№ 169

Toshkent sh.

Хулоса бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда қонунчилик хужжатларини тизимлаштириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламенти** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

хулосалар бериш бўйича аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;
хулосалар бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш паспортлари;
давлат хизматини кўрсатишда ундириладиган тўловлар миқдори.

2. Белгилансинки, **2024 йил 1 майдан бошлаб** ушбу қарор билан тасдиқланган паспортларда белгиланган давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

3. Маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматлари бўйича ваколатли органлар **икки ой муддатда**:

Ракамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат хизматлари ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминласин;

давлат хизматини кўрсатиш учун зарур хужжатларнинг **намунавий шакллари ва бланкларини** Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

4. Адлия вазирлиги:

2024 йил 1 майдан бошлаб ушбу қарорга мувофиқ берилган хулосалар реестри “Лицензия” ахборот тизимида электрон шакллантириб борилишини таъминласин;

давлат хизматларининг белгиланган тартибда кўрсатилишини доимий назорат қилиб борсин;

маъмурий регламент талабларини бузганлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 7 апрелдаги 167-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Манфаатдор вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “29” мартағи 169-сон қарорига
1-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчилар) айrim турдаги хulosалар бериш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ кўрсатилади.

Ушбу Регламент қоидалари 2–17-иловаларда келтирилган давлат хизматларини кўрсатиш паспортларида (кейинги ўринларда – Паспорт) назарда тутилган хulosा турларига нисбатан татбиқ этилади, мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш жараёнида мазкур Регламентга 2–6-иловаларда назарда тутилган хulosаларни расмийлаштириш Паспортларнинг 9-бандида белгиланган мезонлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг “Maxsus электрон тизим орқали айrim фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон ва “Maxsus электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айrim ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарорлари билан тартибга солинади.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

хulosा бериш тартиб-таомили – хulosа бериш тўғрисидаги аризани бериш, кўриб чиқиш, хulosани расмийлаштириш (қайта расмийлаштириш) ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

хulosа бериш соҳасидаги ваколатли органлар (кейинги ўринларда – ваколатли орган) – хulosа бериш тартиб-таомилини амалга оширадиган давлат органи (унинг худудий бўлинмаси) ёки бошқа ташкилот;

хulosа – ваколатли органлар томонидан хulosа обьектининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мезон ёки талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

хulosса объекти – қонунчилек хужжатларига асосан ваколатли органлар томонидан тегишли мезон ёки талабларга мувофиқлиги ўрганиладиган объект (бино, ер участкаси, фаолият, товар ва бошқалар);

хulosса реестри – берилган ва қайта расмийлаштирилган ёки бекор қилингандар хulosалар түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

3. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали хulosалар беришга масъул бўлган ваколатли органлар томонидан кўрсатилади.

4. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда кўллаш орқали фақат идораларо электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари тушганда, навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилингандар кун ҳисобланади.

6. Ариза берувчи ёки унинг номидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустакил равища аризани электрон равища тўлдиради.

Ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганда, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (юридик шахс томонидан берилган ишончнома бундан мустасно) аризага илова қилинади.

7. Паспортда аризага айрим хужжатлар илова қилиниши лозимлиги кўрсатилиши мумкин. Илова қилинадиган хужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши керак.

8. Ариза берувчидан хulosса тури бўйича Паспортнинг 5-бандида кўрсатилмаган маълумотлар ва хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Ариза тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, аризани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Ариза кўриб чиқилганлиги учун Паспортнинг 6-бандида белгиланган миқдорда йифим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, паспортларда белгиланган йифим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлати хизмати кўрсатилгани учун йифим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Йифимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар – давлат бюджетига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йифим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар – давлат бюджетига ўтказилади.

11. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йифим суммаси қайтарилмайди.

12. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг аризаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса ариза автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган Паспортнинг 8-бандида белгиланган муддат мобайнида аризани кўриб чиқади. Ваколатли орган аризани кўриб чиқиши муддати давомида ҳужжатларни текшириши, объектларни жойига чиқиб ўрганиши, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун ўз ходимлари таркибидан ёки бошқа шахсларни жалб қилган ҳолда эксперт ва ишчи гурухлар ташкил этиши, шунингдек, ариза берувчининг хулоса талаблари ва шартларига мувофиқлигини белгилайдиган қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Ариза берувчи томонидан Паспортда назарда тутилган хужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмагандан, ариза ва унга илова қилинадиган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда ваколатли орган икки иш куни ичидан ариза берувчига камчиликларни тўлиқ кўрсатган ҳолда хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган хужжатларни тақдим этиш учун камида беш иш кунидан кам бўлмаган ва ўттиз кундан кўп бўлмаган муддат (имконият) беради.

Давлат хизматини кўрсатиш муддати хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган хужжатларни тақдим этиш вақти мобайнида тўхтатиб турилади.

14. Давлат хизматини кўрсатишни рад этиш учун қуидагилар асос бўлади:

ариза берувчи Паспортнинг 9-банди талабларига жавоб бермаганда;

хужжатларда ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланганда;

талабгор томонидан мазкур Регламентнинг 13-бандида белгиланган муддатда хужжатлар қайта тақдим этилмаганда.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслик важи билан рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда, ариза берувчи бир ой муддатда давлат хизматини кўрсатишни рад этиш асосларини бартараф қилган ҳолда йифим тўламасдан қайта мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Мазкур бандда белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган аризалар янги берилган ҳисобланади ва умумий тартибда кўриб чиқилади.

16. Хулоса обьекти мазкур Регламент ва тегишли паспортлар талабларига мувофиқ бўлганда, ваколатли орган томонидан QR-код (матрик штрихли код) қўйилган хулоса автоматик равишда шакллантирилади ва тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

Паспортда хулоса берганлик учун йифим ундирилиши мумкин. Бунда ваколатли орган томонидан хулоса бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда Паспортнинг 7-бандида белгиланган йифим бўйича инвойс Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

Ариза берувчи инвойсда юборилган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда хулоса берганлик учун йифимни тўлайди.

Ариза берувчи томонидан инвойсда кўрсатилган йифим тўлиқ тўланганидан сўнг реал вақт режимида хулосани юклаб олиш имкони пайдо бўлади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, Паспортда белгиланган йифим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Хулоса берганлик учун йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Хулоса берганлик учун йифим мазкур Регламентнинг 10-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

17. Давлат хизматлари маркази хулоса келиб тушгандан сўнг 10 дақика мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига (мавжуд бўлса) юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра унга хулосани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда бериши шарт.

18. Ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган хулосада нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, ариза берувчи бир ой ичидаги йифим тўламасдан белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиш хуқуқига эга.

19. Хулоса обьекти ўзгартирилганда ариза берувчи қайтадан хулоса олиш учун мазкур бобда белгиланган тартибда мурожаат қиласди.

4-боб. Хулосани қайта расмийлаштириш

20. Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, ариза берувчи хулосани қайта расмийлаштириш учун ваколатли органга ўн иш куни ичидаги Давлат хизматлари марказига бевосита ўзи келиб мурожаат этади ёки ЯИДХПда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда электрон шаклда ариза тўлдиради.

21. Хулосани қайта расмийлаштирганлик учун йифим ундирилмайди.

22. Ваколатли орган ариза берувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатда хулосани қайта расмийлаштиради ва ариза берувчига юборади.

23. Ваколатли орган хулосани қайта расмийлаштиришда хулоса реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Амал қилиш муддати чекланган хулосани қайта расмийлаштиришда илгари берилган хулосанинг амал қилиш муддати ўзгармайди.

5-боб. Хулосанинг бекор қилиш тартиби

24. Хулосанинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

ариза берувчи хулосанинг амал қилишини бекор қилиш бўйича мурожаат қилганда;

хулосанинг амал қилиш муддати тамом бўлганда;

хулоса обьекти тугатилганда, ўзгартирилганда ва йўқ қилинганда.

25. Ваколатли орган хulosанинг амал қилишини бекор қилганда бу ҳақда бир иш куни ичида талабгорни хабардор қиласи ва хulosанинг амал қилиши бекор қилинганлиги ҳақида хulosалар реестрига ёзув киритилади.

6-боб. Хulosалар реестрини юритиш тартиби

26. Ваколатли орган томонидан берилган хulosалар реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

юридик шахс учун – номи, жойлашган жойи (почта манзили), солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун – фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

хulosса берилган сана ва тартиб рақами;

хulosанинг амал қилиш муддати (агар аниқ муддатга берилиши назарда тутилганда);

фаолият олиб бориш манзили;

хulosса талаб қилинадиган обьект (ҳаракатлар) тури;

хulosанинг қайта расмийлаштирилганлиги ва бекор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар.

Реестр электрон шаклда юритилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

27. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат қиласи.

29. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

30. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
1-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Ариза берувчилар	Давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келиб ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қиласди.	Ўз хоҳишига кўра
2-bosqich	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	1. Марказ ходими сўровномани тўлдириб, ваколатли органга юборади. 2. Тўлдирилган сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқада 2. Реал вақт режимида
3-bosqich	Ваколатли орган	1. QR-код (штрихли код) кўйилган хулосани расмийлаштиради ва уни Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчига (ЯИДХП орқали мурожаат қилганда) юборади ёки хулоса расмийлаштиришни рад этади. 2. Хулоса бериш тўғрисида қарор кабул қилинганда, ариза берувчига йигимни тўлаш учун хисобварак кўрсатилган хабарнома юборади (Паспортда хулоса берганлик учун йигим назарда тутилганда).	Тегишли давлат хизмати паспортининг 8-бандида белгиланган муддатларда
4-bosqich	Ариза берувчи	Хулоса берганлик учун йигимни тўлайди (паспортларда хулоса берганлик учун йигим назарда тутилганда)	Ўттиз кун ичида
5-bosqich	Давлат хизматлари маркази	QR-код (матрик штрихли код) кўйилган хулоса ариза берувчиларга тақдим этади.	10 дақиқа ичида

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишининг
ягона маъмурий регламентига
2-илова

**Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини
куриш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашда саноат хавфсизлиги
талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини куриш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашда саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурлари
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи, СТИР рақами, поча манзили, электрон поча манзили (мавжуд бўлса) ҳамда телефон рақами; объект жойлашган манзил; ишларни бехатар амалга ошириш бўйича жавобгар шахслар тўғрисида маълумот (ФИО, ЖШШИР, буйруқ рақами ва санаси); б) асбоб-ускуналарнинг рўйхати ва техник созлиги; в) авария юз берган ҳолатда, хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш чораларини кўриш, авария бартараф этиш режаси; г) ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўрикномалар.
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йигим миқдори	Базавий хисоблаш микдорининг 30 фоизи
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	5 иш кун
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	a) “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқлиги; б) Саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқукий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги; в) Мехнат муҳофазаси бўйича ўқитиши ва билимларини синаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги намунавий низом (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) талабларига мувофиқлиги.

10.	Хулосанинг амал килиш муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
3-илова

**Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишга
мўлжалланган моддий-техник базанинг саноат хавфсизлиги
талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишга мўлжалланган моддий-техника базанинг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишга мўлжалланган моддий-техник база
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидаги шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада куйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи, СТИР рақами, почта манзили, хавфли ишлаб чиқариш обьекти жойлашган манзили, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), телефон рақами; ишларни бехатар олиб бориш бўйича жавобгар шахслар тўғрисида маълумот (ФИО, ЖШШИР, буйруқ рақами ва санаси); б) асбоб-ускуналарнинг рўйхати ва техник созлиги; в) авария юз берган холатда, хавфли ишлаб чиқариш обьектлари ходимларининг ҳаёти ва соглиғини муҳофаза қилиш чораларини кўриш, авария бартараф этиш режаси; г) ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўрикномалар.
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи.
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	5 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	a) “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқлиги; б) Саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги; в) Мехнат муҳофазаси бўйича ўқитиши ва билимларини синаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги намунавий низом (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) талабларига мувофиқлиги.
10.	Хулосанинг амал қилиш муддати	1 йил

11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, хulosани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.
-----	------	--

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
4-илова

**Хавфи юқори бўлган обьектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни
қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли моддий-техник база
ҳамда ходимларнинг саноат хавфсизлиги талабларига
мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса**
ПАСПОРТИ

1.	Хулоса номи	Хавфи юқори бўлган обьектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни қуриш ва фойдаланиш бўйича тегишли моддий-техник база ҳамда ходимларнинг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса
2.	Хулоса бериладиган обьект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Хавфи юқори бўлган обьектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли моддий-техник база ҳамда ходимлар
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар	a) ариза. Аризада куйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи, СТИР рақами, почта манзили, хавфли ишлаб чиқариш обьекти жойлашган манзили, электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ҳамда телефон рақами; хавфи юқори бўлган обьектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни қуриш ва улардан фойдаланишда ишлатиладиган моддий-техник база маълумотлари; б) юк кўтариш кранларининг созлигига ва улардан хавфсиз фойдаланиш бўйича биринчирилган жавобгар шахсларнинг буйруклари ва уларнинг билим синовлари текширилганлиги тўғрисида баённомалар.
6.	Аризани чиқиш тўланадиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи.
7.	Хулоса берганлик учун ундирилладиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	5 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	a) “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқлиги; б) Саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хукуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги.

10.	Хулосанинг амал қилиш муддати	1 йил
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, хулосани қайта расмийлантириш талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
5-илова

**Мехнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги талабларига
мувофиқлик тўғрисида хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Мехнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги талабларига мувофиқлик тўғрисида хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Мехнат шароитлари
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар
4.	Хуносани беришга ваколатли орган (лар)	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда унинг худудий бошқармалари
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	Ариза. Аризада қўйидаги маълумотлар қўрсатилади: юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий- хуқуқий шакли, унинг почта манзили, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (мавжуд бўлса); якка тартибдаги тадбиркор учун – ФИО, ЖШШИР, яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса); фаолиятни амалга ошириш манзили.
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йигим микдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим микдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	5 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	Мехнат шароитларининг Мехнат кодексида, бошқа қонунчилик хужжатларида, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлиги.
10.	Хуносанинг қилиш муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти маълумотлари ўзгарганда, хуносани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
6-илова

**Бино (иншоот) ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига
мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Бино (иншоот) ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Бино (иншоот) ва хоналар
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг давлат ёнғин назорати органлари
5.	Хулоса олиш учун талафотларни маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий- хукукий шакли, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (мавжуд бўлса); хулоса олинаётган бино (иншоот) ва хоналарнинг манзили; хулосани олиш мақсади (аниқ кўрсатилади); жисмоний шахслар учун – ФИО, ЖШШИР, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса); хулоса олинаётган бино (иншоот) ва хоналарнинг манзили; хулосани олиш мақсади (аниқ кўрсатилади).
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш микдорининг 10 фоизи
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	10 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талафотлари	Бино (иншоот) ва хоналар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнғин хавфсизлиги қоидалари, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги талабларини тартибга солувчи бошқа норматив-хукукий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги.
10.	Хулосанинг қилиши муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хукукий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти маълумотлари ўзгарганда, хулосани қайта расмийлантириш талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
7-илова

**Гидрогеологик хulosса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хulosса номи	Гидрогеологик хulosса
2.	Хulosса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Худуднинг ер ости сувлари ҳолати
3.	Хulosса олишни сўраб мурожаат қиласдан шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хulosани беришга ваколатли орган (лар)	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги “Ўзбекгидрогеология” давлат муассасаси
5.	Хulosса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	<p>Ариза. Аризада қўйидагилар кўрсатилади:</p> <p>а) юридик шахс учун – номи, СТИР, поча манзили, электрон поча манзили (мавжуд бўлса), хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва ҳисобварафи, телефон рақами;</p> <p>б) жисмоний шахс учун – Ф.И.Ш., ЖШ ШИР, поча манзили, электрон поча манзили (мавжуд бўлса), телефон рақами;</p> <p>в) кўрсатилган худуднинг аниқ жойи;</p> <p>г) лойиҳаланаётган кудукнинг географик жойлашиш координаталари:</p> <p>шимолий кенглик;</p> <p>шарқий узунлик;</p> <p>д) ер ости сувини олишдан мақсад:</p> <p>хўжалик-ичимлик;</p> <p>ишлаб чиқариш-техник (саноат);</p> <p>қишилк ҳўжалиги (суғориш);</p> <p>зах қочириш (дренаж);</p> <p>даволаш-балнеологик;</p> <p>е) ер ости сувига бўлган талаб ҳажми (м3/кун).</p>
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
7.	Хulosса берганлик учун ундирилладиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари
8.	Хulosса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	8 иш куни
9.	Хulosса беришнинг талаб ва мезонлари	Кўрсатилган худудда ер ости сувлари ҳолатини ва тегишлича кудук бурғилашнинг мақсадга мувофиқлиги (ер ости сувлари захираларининг мавжудлиги, сув чиқариш имконияти, сифат кўрсаткичлари кабилар)
10.	Хulosанинг амал қилиши муддати	2 йил

11.	Изоҳ	<p>Гидрогеологик хulosса ахборот ҳужжати бўлиб, сув чиқариш учун қудук бурғилаш лойиҳаларини тузиш учун асос ҳисобланади. Бурғилаш лойиҳаларини тузиш белгиланган тартибда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг талабларига асосан тайёрланади.</p> <p>Гидрогеологик хulosада қуидаги асосий маълумотлар акс эттирилади:</p> <p>кўрсатилган худуднинг геологик-гидрогеологик тузилиши ҳақида маълумот;</p> <p>ер ости сув қатлами ning тавсифи, гидрокимёвий ва гидродинамик хоссалари ҳақида маълумот;</p> <p>тегишлича лойиҳалаштирилаётган кудукларнинг конструкциясига тавсиялар.</p> <p>Махсус дала гидрогеологик тадқиқот ишлари ва фонд маълумотларини ўрганиш натижасида кўрсатилган худудда ер ости сувлари мавжуд (етарли) эмаслиги аниқланса, худудни сув билан таъминлашнинг бошқа манбалари тавсия этилган ҳолда (мавжуд бўлган ҳолларда) гидрогеологик хulosса тайёрланади.</p> <p>Гидрогеологик хulosса электрон шаклда матн кўринишида жадваллар, хариталар ва чизмалар каби қўшимча маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда тайёрланади.</p> <p>Гидрогеологик хulosани тайёрлаш ва Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали юбориш жами саккиз иш кунидан ошмаслиги зарур.</p>
-----	-------------	---

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
8-илова

**Автомобилларга ёнилғи қўйиш шахобчаларининг саноат хавфсизлиги
талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Автомобилларга ёнилғи қўйиш шахобчаларининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Автомобилларга ёнилғи қўйиш шахобчалари
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи, СТИР рақами, поча манзили, электрон поча манзили (мавжуд бўлса) ҳамда телефон рақами; объект жойлашган манзил; ишларни бехатар олиб бориш бўйича жавобгар шахслар тўғрисида маълумот (ФИО, ЖШШИР, буйруқ рақами ва санаси); б) ерлаштириш ва чақмоққа қарши жиҳозларни синовдан ўтказилгандиги тўғрисида далолатномалар; в) авария юз берган ҳолатда, хавфли ишлаб чиқариш объектлари ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш чораларини кўриши, авария бартараф этиш режаси; г) ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўрикномалар.
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	5 иш кун
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	a) “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Конун талабларига мувофиқлиги; б) Саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги.
10.	Хулосанинг амал қилиш муддати	1 йил
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (пocha манзили) ўзгарганда, хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
9-илова

**Нефть маҳсулотлари омборининг саноат хавфсизлиги
талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Нефть маҳсулотлари омборининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Нефть маҳсулотлари омбори
3.	Хулоса олишини сўраб мурожаат қиласидаги шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада куйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи, СТИР рақами, поча манзили, электрон поча манзили (мавжуд бўлса) ҳамда телефон рақами; объект жойлашган манзили; ишларни бехатар олиб бориш бўйича жавобгар шахслар тўғрисида маълумот (ФИО, ЖШШИР, буйруқ рақами ва санаси); б) асбоб-ускуналарнинг рўйхати ва техник созлиги; в) моддий-техника базага (бинолар, хоналар, механизм ва транспорт, асбоблар, энергетика қурилмалари, назорат ва ўлчов воситалари, ташкилий техника, компьютерлар) нисбатан мулк хукуқини ёки бошқа ашёвий хукуқларни тасдиқловчи хужжат ёки ижара шартномасининг нусхаси; г) ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўрикномалар.
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йигим миқдори	Базавий хисоблаш миқдорининг 30 фоизи
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	5 иш кун
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	a) “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ти Конун талабларига мувофиқлиги. б) Саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хукуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги.
10.	Хулосанинг амал қилиши муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хукукий шакли, номи ёки жойлашган жойи (пocha манзили) ўзгарганда, хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
10-илова

**Радиотехник иншоотларнинг санитария хulosасини
(санитария паспорти) бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хulosса номи	Радиотехник иншоотларнинг санитария хulosасини (санитария паспорти)
2.	Хulosса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Радиотехник иншоот
3.	Хulosса олишни сўраб мурожаат қиладиган шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хulosани беришга ваколатли орган (лар)	Соғликни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари
5.	Хulosса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукуқий шакли, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (мавжуд бўлса). радиотехник иншоот жойлашган манзил; радиотехник иншоотнинг санитария паспортини олиш мақсади (аниқ кўрсатилади); б) радиотехник иншоотнинг атроф-мухит муҳофазаси лойиҳаси.
6.	Аризани кўриб чиқини учун тўланадиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
7.	Хulosса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари
8.	Хulosса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқини муддати	14 кун
9.	Хulosса беришнинг талаб ва мезонлари	Радиотехник иншоотларни жойлаштириш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига талабларига мувофиқлиги.
10.	Хulosанинг амал қилиш муддати	3 йил
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хукуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, хulosани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди. Радиотехник иншоот – умумий майдонда жойлашган бир ёки бир нечта антеннада ишлайдиган бир ёхуд бир нечта радио тўлқин узатгичлар.

		Радиотехник иншоотнинг санитария паспорти – хўжалик ва бошқа фаолият турлари, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек, лойиҳа хужжатлари, қурилиш лойиҳалари ва фойдаланиш хужжатлари ҳамда электромагнит майдони даражаси ўлчов натижаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигини тасдиқловчи санитария-эпидемиология хужжати.
--	--	--

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
11-илова

**Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий ҳамкорлик
бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан текин, гуманитар ва техник ёрдам
тариқасида келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган
грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар ҳамда илмий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан текин, гуманитар ва техник ёрдам тариқасида келтирилаётган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарнинг ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса
2.	Хулоса талаб қилинадиган фаолият (объект, харакат, маҳсулот ва бошқалар)	Илмий тадқиқотлар, илмий ва инновация дастурлари ва лойиҳаларини бажаришга йўналтирилган пул маблағлари ва моддий-техник захиралар
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахс учун – номи, СТИР, поча манзили, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва ҳисобварафи, телефон рақами; жисмоний шахс учун – ФИО, ЖШШИР, поча манзили, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), телефон рақами; б) халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалардан грантлар ажратилганини тасдиқловчи хужжатларнинг нусхалари (шартнома, грантни тузиш учун берилган илмий лойиҳа, ишларни бажариш учун календарь режа, харажатлар сметаси ва иш мақсадини белгиловчи бошқа хужжатлар); в) бажариш учун олинган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарни тасдиқловчи халқаро илмий ва инновацион дастурлардан кўчирма; г) олинган пул маблағлари ва асбоб-ускуналарни тасдиқловчи ва уларнинг ажратилган грантлар ёки халқаро илмий дастурлар ва илмий ҳамкорлик доирасидаги халқаро шартномалар бўйича лойиҳаларнинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги бўйича тадқиқот ишларини бажариш учун экспертизасини ўтказишга имкон берувчи бошқа хужжатлар.
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йиғим миқдори	Йиғим ундирилмайди
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	7 иш куни

9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	Грантларни олган жисмоний шахслар даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этишда грантлар бўйича олинган даромаднинг қиймати, даромад солиғи микдори, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигининг солиқка тортиш мақсадлари учун йиллик умумий йиллик даромаддаги чиқариб ташланган маблағлар бўйича хулоса кўрсатилиши; Хориждан келтирилган асбоб-ускуналар бегоналаштирилган ҳолатда барча тўловлар ва солиқлар грант олувчи томонидан белгиланган тартибда тўланиши.
10.	Хулосанинг амал қилиш муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
12-илова

**Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (ҳаракат, фаолият, товар ва бошқалар)	Диний ташкилот фаолияти
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қилидиган шахслар тоифаси	Диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари ёки улар томонидан вакил қилинган шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Дин ишлари бўйича қўмитаси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	<p>а) ариза. Аризага қўйидагилар илова қилинади:</p> <p>марказий бошқарув органи учун:</p> <p>таъсис йиғилишининг (конференциясининг) марказий бошқарув органини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва бошқарув органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларини ўз ичига олган қарорининг нусхаси;</p> <p>марказий бошқарув органининг давлат тилидаги устави нусхаси;</p> <p>жойлашган жойидан диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланиши мўлжалланётган кўчмас мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси;</p> <p>марказий бошқарув органининг таъсисчилари тўғрисидаги маълумот;</p> <p>марказий бошқарув органининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги маълумот;</p> <p>марказий бошқарув органининг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси, таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфесиялар бундан мустасно (диний маълумот ҳақидаги хужжат хорижий давлатда берилганда унинг тан олингандиги бўйича хужжат нусхаси хам тақдим қилинади);</p> <p>диний таълим муассасалари учун:</p> <p>марказий бошқарув органининг диний таълим муассасасини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш (тайинлаш) бўйича маълумотларни ўз ичига олган қарорининг нусхаси;</p> <p>диний таълим муассасининг давлат тилидаги устави нусхаси;</p> <p>диний таълим муассасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги маълумот;</p> <p>маҳаллий диний ташкилотлар учун:</p> <p>таъсис йиғилишининг маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг нусхаси;</p> <p>маҳаллий диний ташкилотни давлат тилидаги уставининг нусхаси;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳри) худудида доимий яшаётган, маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузაётган, маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш бўйича ўн саккиз ёшга етган эллик нафардан кам бўлмаган ташаббускорлар томонидан имзоланган маълумот;</p>

		<p>маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги маълумот;</p> <p>маҳаллий диний ташкилот раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар бундан мустасно (диний маълумот хақидаги ҳужжат хорижий давлатда берилганда унинг тан олингандиги бўйича ҳужжат нусхаси ҳам тақдим қилинади);</p> <p>маҳаллий диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкнинг шаҳарсозлик нормалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хуносалар илова қилинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни хуносасининг нусхаси.</p>	
6.	Аризани чиқиш тўланадиган миқдори	кўриб учун йиғим миқдори	базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи
7.	Хуроса берганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Йиғим ундирилмайди	
8.	Хуроса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	30 кун	
9.	Хуроса беришнинг талаб ва мезонлари	“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги	
10.	Хуросанинг амал қилиши муддати	Чекланмаган	
11.	Изоҳ	<p>Диний таълим муассасаси – муайян конфессияга мансуб бўлган, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчиларини ва улар учун зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи томонидан ташкил этилган муассаса.</p> <p>Диний ташкилот – фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-руsumлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўргасида таъсислашадиган кўнгилли бирлашмаси (маҳаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи).</p> <p>Диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи – бир конфессиянинг маҳаллий диний ташкилотлари, шунингдек, диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта маъмурий-худудий бирлигига (Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда, Тошкент шаҳрида) рўйхатдан ўтиб фаолият кўrsataётган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан ташкил этилган диний ташкилот.</p> <p>Маҳаллий диний ташкилот – Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳри) худудида доимий яшाइтган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташаббуси билан ташкил этилган, фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, ва Тошкент шаҳри, туман ёки шаҳар худудида</p>	

амалга оширувчи диний ташкилот (масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқалар).

**“Марказий бошқарув органининг таъсисчилари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

T/p	Ташаббускор диний ташкилот номи	Диний ташкилот рўйхатдан ўтган санаси ва раками	Диний ташкилот манзили	Диний ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.	Ташаббускор диний ташкилот раҳбарининг имзоси ва диний ташкилот муҳри

Марказий бошқарув органи раҳбари

(Ф.И.О. ва имзоси)

Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шахри) худудида доимий яшаётган, маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузоётган, маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш бўйича ўн саккиз ёшга етган эллик нафардан кам бўлмаган ташаббускорлар томонидан имзоланган маълумотлар.

**Диний ташкилот ташаббускорлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

T/p	Ф.И.О.	Туғилган йили, ой, кун	Турар жойи	Имзо

Диний ташкилотнинг раҳбари

(Ф.И.О. ва имзоси)

Маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.

**Диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

T/p	Ф.И.О.	Туғилган йили, ой, кун	Турар жойи	Имзо

Диний ташкилотнинг раҳбари

(Ф.И.О. ва имзоси)

Қуйидагилар диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун хулоса олиш тўғрисидаги мурожаатни рад этишга асос бўлади:

тегишли хужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

тақдим этилган хужжатларда атайин нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги;

илгари худди шу номдаги ёки адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган номдаги диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги;

хужжатлар суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар томонидан тақдим этилганлиги.

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
13-илова

**Донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда
нав тозалигини баҳолаш бўйича хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича хулоса
2.	Хулоса талаб қилинадиган фаолият (объект, ҳаракат, маҳсулот ва бошқалар)	Донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш ва уларнинг амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хуносани беришга ваколатли орган (лар)	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	a) ариза. Аризада қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг почта манзили, фаолиятни амалга ошириш жойи, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), нав намунаси сақланаётган манзил, нав намунасининг нави, авлоди ва сони; жисмоний шахслар учун – ФИО, ЖШШИР, яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса); б) фаолиятни амалга ошириш манзили, нав намунасининг нави, авлоди ва сони; в) нав намунасининг бирламчи хужжатларидан экилгандаги мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси ва апробация далолатномаси нусхалари.
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йиғим миқдори	Йиғим ундирилмайди
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Базавий хисоблаш миқдорининг 4,5 баравари
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	Паспортнинг изоҳ қисмида белгиланган
9.	Хулоса беришнинг талаб ва шартлари (мезонлари)	Паспортнинг изоҳ қисмида белгиланган
10.	Хуносанинг амал қилиши муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, хуносани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзагроинспекция) томонидан илмий тадқиқот институтлари, уруғлик етиштирувчи ва элита уруғчилик хўжаликларда етиштирилган навлардан белгиланган тартибда намуналар танлаб олинади, тегишли хужжатларни расмийлаштиради, рўйхатга олади, дала тажриба майдонига экади, парвариш қиласи, методик ва агротехник тадбирларни ўтказади, навдорликни баҳолаш ишлари амалга оширилишини ҳамда баҳолаш хуносалари ариза берувчига тақдим этилишини таъминлайди.

Ариза берувчи нав намунасини танлаб олиш ва Ўзагроинспекциянинг дала тажриба майдонига жўнатиш учун зарур шароит яратади ҳамда ушбу жараёнда иштирок этади.

Нав намунаси Ўзагроинспекциянинг дала тажриба майдонида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ва истиқболли деб ҳисобланган бошокли дон экинлари навларининг дориланиб тайёрланган уруғлик дон тўдаларидан танлаб олинган нав намуналарини дала тажриба майдонида экиб ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан уруғлик тўдаси тозаланган, сараланган ва дорилангандан сўнг нав намуналарининг нав тозалигини (навдорлиги) баҳолаш учун 10 сентябрдан кечиктиргмаган ҳолда мурожаат қиласи.

Ўзагроинспекция навдорликни баҳолаш ишлари бўйича буюртма бериш мuddати 10 сентябрга қадар этиб белгиланганлиги ҳакида ўзининг расмий веб-сайтида июль ойининг биринчи ўн кунлигига эълон беради.

Ариза берувчи томонидан нав намунаси 10 сентябрга қадар тақдим қилинмаса, ариза берувчининг мурожаати рад этилади.

Нав намуналарини танлаб олиш тартиби

Давлат хизматлари кўрсатиш учун Ўзагроинспекциянинг мутахассислари томонидан уруғлик тўдаларидан амалдаги стандарт талаблари асосида ариза берувчи ёки унинг ишончли вакили иштирокида нав намуналарини беш иш кунида танлаб олинади ва далолатнома расмийлаштирилади.

Танлаб олинган ҳар бир нав намунасида ташқи ва ички ёрлиқлар бўлиши керак.

Ҳар бир нав намуналарининг ёрликларида уруғлик тайёрловчининг номи, экин тури, нави, авлоди, уруғнинг келиб чиқиши, тўда рақами, тўда вазни, апробация бўйича нав тозалиги ва намуна вазни каби маълумотлар бўлиши лозим.

Нав намуналарини танлаб олишда уруғлик сақланиши шароитлари текширилади ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан бирга нав назорати учун танлаб олинган уруғлик доннинг ўртача намуна далолатномаси Ўзагроинспекциянинг мутахассиси томонидан расмийлаштирилади. Далолатноманинг битта асл нусхаси ариза берувчига ёки унинг вакилида қолдирилади.

Мазкур далолатноманинг асл нусхаси намуна билан биргаликда бўз қопчаларга жойлаштирилиб, икки иш кунида дала тажрибаларини ўтказиш майдончаси (ГРУНТ нав назорат) яъни,

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тупроқда баҳолаш, ободонлаштириш, бино ва ердан фойдаланиш бўлимига юборилади.

Нав намуналарини экишга тайёрлаш

Танлаб олинган нав намуналари бир иш кунида рўйхатга олинади ва экиш рўйхати (экиш ведомости) тузилади.

Рўйхатга олинган нав намуналаридан экиш учун ишчи намуналар тайёрланиб, маҳсус бўз қопчаларга жойлаштирилади ва уч иш кунида майдончаларнинг тартиб рақами қўйилади.

Экиш учун жамланган барча нав намуналари касаллик ва зааркунандаларга қарши кимёвий препаратлар билан ишлов берилган бўлиши лозим.

Кимёвий препаратлар билан ишлов берилмаган тўдалардан олинган нав намуналари бўйича давлат хизматлари Ўзагроинспекция билан тузилган шартномага мувофик кўрсатилади.

Нав намуналарини экиш

Нав намуналари худуд учун мақбул бўлган муддатда, яъни обҳаво, табиий иклим шароитидан келиб чиқкан ҳолда сентябрь ва октябрь ойларида экиласди.

Нав намуналари юқори авлодлар бўйича тартиб асосида экиласди.

Тажриба даласида униб чиқмаган хатолар ўрнига экиш ва қайта экишга рухсат этилмайди.

Экинларни парваришлиш ишлари хар йили ҳосил йилининг сентябрь-октябрь ойидан келгуси йилнинг май ойигача худудларда амалда бўлган агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар асосида ўтказилади.

Нав тозалигини аниқлаш ва натижаларни расмийлаштириш

Нав тозалиги нав муаллифи томонидан тақдим этилган навларнинг морфологик белгилари тавсифномаси асосида ўсимликнинг морфологик белгилари шаклланган вақтда аниқланади.

Нав намуналарида нав тозалигини аниқлаш экинларнинг сутум пишиш даврида, яъни май ойида нав муаллифи томонидан тақдим этилган навларнинг морфологик белгиларни ўрганиш орқали амалга оширилади.

Нав намуналарининг тахлил натижаларига кўра Ўзагроинспекция томонидан ижобий ёки салбий хуносалар расмийлаштирилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга хуносалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
14-илова

**Техник лойиха хужжатларини кўриб чиқиш бўйича хуноса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хуносас номи	Техник лойиха хужжатларини кўриб чиқиш бўйича хуноса
2.	Хуносас талаб қилинадиган фаолият (объект, харакат, махсулот ва бошқалар)	Кемаларнинг техник лойиха хужжатларини кўриб чиқиш
3.	Хуносас олишни сўраб мурожаат қиласидаган шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хуносани беришга ваколатли орган (лар)	Транспорт вазирлиги
5.	Хуносас олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	<p>Ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:</p> <p>юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукукий шакли, унинг юридик манзили, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса);</p> <p>жисмоний шахслар учун – ФИО, ЖШШИР, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);</p> <p>фаолиятни амалга ошириш жойи.</p> <p>Аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:</p> <p>кеманинг техник лойиха хужжатлари;</p> <p>тушунтириш хати;</p> <p>кеманинг чўқмаслиги тўғрисида, сузувланилиги тўғрисида, устуворлиги тўғрисида ва кемани юклаш-тушириш тўғрисида йўриқномалар.</p> <p>Техник лойиха хужжатлари кемачилик регистри инспекторига қуйидаги усууллардан бири бўйича тақдим этилиши мумкин:</p> <p>кейинчалик кемачилик регистри инспекторига ишчи чизмаларни тақдим этиш шарти билан техник лойиха хужжатларини;</p> <p>кейинчалик кемачилик регистри инспекторига ишчи чизмаларни келишиш учун тақдим этмаган ҳолда техник лойиха хужжатларини. Бунда тақдим этилган техник лойиха хужжатлари лойиҳалаштирилган кеманинг берилган техник топширик талабларига мувофиқ эканлигини аниқлаш ҳамда кеманинг асосий конструктив қисмларини тайёрлаш даврида техник назорат олиб бориш имконини бериши керак.</p>
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Йиғим ундирилмайди
7.	Хуносас берганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>Ўзиормас кемаларнинг техник лойиха хужжатларини кўриб чиқиш учун БҲМнинг 50 баробари;</p> <p>Ўзиорар ва земснарядларнинг техник лойиха хужжатларини кўриб чиқиш учун БҲМнинг 70 баробари.</p> <p>Битта техник лойиха хужжат асосида кетма-кет куриладиган кемаларнинг техник лойиха хужжатлари кўриб чиқилмайди ва тўлов ундирилмайди.</p>

8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	15 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	<p>Техник лойиҳа хужжатларининг техник топширикда кўрсатилган жихозлар бўйича тўлиқ тақдим этилганлиги; тушунтириш хати; тақдим этилган техник лойиҳа хужжатларининг рўйхати; ҳар бир назорат объектининг чизмаси ва бириктириш усули; ҳар бир назорат объектининг ўлчамларини техник топширикда кўрсатилган ўлчамларга мувофиқлиги.</p> <p>Техник лойиҳа хужжатларида лойиҳалаштириладиган кемаларнинг техник топширикка, маҳаллий сузиш шароитига ва Регистр қоидаларига мувофиқлиги (сув ҳавзалари разряди, сузиш худуди, сувга ботипи, шамол-тўлқин режими).</p>
10.	Хулосанинг амал қилиши муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	<p>Юридик шахснинг ташкилий-хукуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.</p> <p>Келишилган техник лойиҳа хужжатлари асосида кемалар серияли қурилганда, техник-loyiҳa хужжатлар фақат бош кема учун келишиллади.</p>

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
15-илова

**Сув объектларидаги сув хўжалиги иншоотларини (курилмаларини) кўчириш,
реконструкция қилиш ва янгидан қуришга доир хulosса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хulosса номи	Сув объектларидаги сув хўжалиги иншоотларини (курилмаларини) кўчириш, уларни реконструкция қилиш ва янгидан қуришга доир хulosса
2.	Хulosса бериладиган объект (ҳаракат, фаолият, товар ва бошқалар)	Сув объектларидаги сув хўжалиги иншоотлари (курилмалари)
3.	Хulosса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хulosани беришга ваколатли орган (лар)	<p>Сув хўжалиги иншоотларини қуришга доир хulosалар кўйидаги ваколатли органлар томонидан берилади:</p> <p>а) Сув хўжалиги вазирлиги томонидан вилоятлараро ва давлатлараро (трансчегаравий), шунингдек, алоҳида аҳамиятга эга бўлган:</p> <p>табиий (жилгалар, сойлар, дарёлар, кўллар ва бошқалар) сув объектлари бўйича Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилган ҳолда;</p> <p>сунъий (сув омборлари, очик ва ёпик каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ховузлар ва бошқалар) сув объектлари бўйича;</p> <p>б) Қорақалпогистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан туманлараро ҳамда туман аҳамиятидаги:</p> <p>табиий (жилгалар, сойлар, дарёлар, кўллар ва бошқалар) сув объектлари бўйича Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг худудий органлари билан келишилган ҳолда;</p> <p>сунъий (сув омборлари, очик ва ёпик каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ховузлар ва бошқалар) сув объектлари бўйича;</p> <p>в) туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлими томонидан хўжаликлараро (фермерлараро) ва ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйича;</p> <p>г) Тог-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан сув хўжалиги, санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда ер ости сувларидан сув олиш иншоотлари бўйича.</p>
5.	Хulosса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	<p>а) ариза. Аризада кўйидагилар кўрсатилилади:</p> <p>юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукуқий шакли, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);</p> <p>жисмоний шахслар учун – ФИО, ЖШШИР, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса).</p> <p>сув хўжалиги иншоотлари (курилмалари) жойлашган манзил;</p>

		<p>сув хўжалиги иншоотларини (курилмаларини) кўчириш, реконструкция қилиш ва янгидан қуришга бўлган заруратни асослаш, мавжуд муаммо ҳамда кутиладиган натижа тўғрисида маълумот;</p> <p>сув хўжалиги иншоотларини (курилмаларини) кўчириш, реконструкция қилиш ва янгидан қуриш ишларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш ишларини молиялаштириш манбаи;</p> <p>б) белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида бошқарувга берилган давлат сув хўжалиги обьектлари, шунингдек, мақсадли фойдаланиш учун берилган ички сугориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг кўчириладиган, реконструкция қилинадиган ва янгидан қуриладиган сув хўжалиги иншоотлари (курилмалари) туширилган тархи;</p> <p>в) ер участкасининг ижара шартномаси ва ер участкаси тархининг нусхалари;</p> <p>г) сув хўжалиги иншоотларини (курилмаларини) кўчириш, реконструкция қилиш ва янгидан қуриш ишларининг бошқа сув истеъмолчиларига салбий таъсири мавжуд эмаслиги тўғрисида уларнинг розилик хатлари.</p>
6.	Аризани кўриб чиқиши учун тўланадиган йигим миқдори	Йигим ундирилмайди
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йигим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиши муддати	10 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	Сув хўжалиги иншоотининг (курилманинг) ҳозирги техник ҳолати, уни қуриш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, сув хўжалиги иншооти қуриш ўзбошимчалик билан қурилмаганлиги (лойиҳа-смета хужжатлари келишилган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган), обьект лойиҳа-смета хужжатларидан четга чиқмаган ҳолда ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилмаган ҳолда қурилганлиги ва реконструкция қилинганлиги
10.	Хулосанинг амал қилиши муддати	3 йил
11.	Изоҳ	<p>Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.</p> <p>Сув обьекти – сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимиининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилгалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очик ва ёпик каналлар, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, дengизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари ва булоқлар.</p> <p>Сув хўжалиги обьекти – сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув обьекти.</p>

Сув хўжалиги иншоотлари (қурилмалари) – сув объектларидаги сув олиш, тақсимлаш, тўсиш, ўтказиш (нов, дюкер), ўлчаш (гидропост), кўтариш (насос агрегати, чархпалак) ва бошқа қурилмалар, кўприклар (очик, қувурли) ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари.

Сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари – сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, яъни туманларнинг ирригация бўлимлари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, сув омборларидан ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари.

Ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари (ички сув йўллари) – битта сув истеъмолчисига (агрокластер, фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчисига) хизмат кўрсатувчи сув хўжалиги объектлари.

Хўжаликлараро (фермерлараро) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари – икки ва ундан ортиқ сув истеъмолчисига хизмат кўрсатувчи сув хўжалиги обьекти.

Куйидагилар давлат хизматини рад этишга асос бўлади:

сув хўжалиги иншоотларини қуриш зарурати етарли даражада асосланмагандан (иншоот қурилиши нима мақсадга амалга оширилаётганлиги ва келгусида қандай мақсадларда фойдаланилиши тўғрисида тўлиқ маълумотлар бўлмаган тақдирда);

сув хўжалиги иншоотларини (қурилмаларини) қуриш зарурати бўйича манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлиқ розилиги олинмагандан;

сув хўжалиги иншоотларини қуриш сув хўжалиги обьектининг хавфсиз ва ишончли ишлапшига ҳамда сувни самарали бошқаришга ва оқилона фойдаланишга салбий таъсир кўрсатиш хавфи бўлганда;

куриладиган сув хўжалиги иншоотларини (қурилмаларини) сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ва ракамлаштириш режалаштирилмагандан (агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларига мақсадли фойдаланиш учун берилган ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларидаги бош сув олиш иншоотидан ташқари иншоотларда ҳамда томорқа ер эгаларининг сув олиш иншоотларида сувнинг ҳисобини юритиши ва ракамлаштириш мажбурий эмас).

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар берилл
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
16-илова

**Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида амалга ошириладиган
ишларнинг лойихаолди ва лойиха-смета ҳужжатлари бўйича хulosса
ПАСПОРТИ**

1.	Хulosса номи	Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида амалга ошириладиган ишларнинг лойихаолди ва лойиха-смета ҳужжатлари бўйича хulosса
2.	Хulosса талаб қилинадиган фаолият кичик тури (объект, харакат, маҳсулот ва бошқалар)	<p>моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларнинг лойихаолди ва лойиха-смета ҳужжатлари;</p> <p>моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг кўриқланадиган теграларида ер қазиш, ер тузиш, курилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишлари, асрашга доир ишларни амалга ошириш ҳамда илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ўтказишга оид лойихалар;</p> <p>алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудлар ҳамда тарихий-маданий қимматига кўра, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудларда (объектларда) курилиш-монтаж, ободонлаштириш ва тарихий-маданий қимматга эга бўлмаган бино ва иншоотларни бузиш ишлари ва ердан фойдаланиш лойихалари;</p> <p>алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудлар, тарихий-маданий қимматига кўра ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудлар (объектлар) бошқарув режалари;</p> <p>тарихий-маданий қимматига кўра, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган худудларнинг (объектларнинг) кўриқланадиган тегралари лойихалари.</p>
3.	Хulosса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Жисмоний ва юридик шахс
4.	Хulosани беришга ваколатли орган (лар)	Маданий мерос агентлигининг Илмий-эксперт кенгаси
5.	Хulosса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар	<p>Ариза. Аризада куйидаги маълумотлар кўрсатилади:</p> <p>юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукукий шакли, унинг почта манзили, фаолиятни амалга ошириш жойи, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса);</p> <p>жисмоний шахслар учун – ФИО, ЖШШИР, яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), фаолиятни амалга ошириш манзили.</p> <p>Аризага куйидагилар илова қилинади:</p> <p>амалга оширилиши назарда тутилаётган асрашга доир ишларнинг лойихаолди ва лойиха-смета ҳужжатлари (ваколатли орган буюртмачи бўлган ҳолатлар бундан мустасно);</p> <p>войтишада кўрсатилган объектнинг кадастр йигмажилди (агар мавжуд бўлса);</p>

		археология маданий мерос объектларининг муҳофаза теграларида амалга ошириладиган лойиҳалар юзасидан археолог хулосаси.
6	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	<p>Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни лойиҳа-смета хужжатлари бўйича экспертизадан ўтказиш учун – лойиҳа-смета хужжатидаги миқдорининг 1 фоизи;</p> <p>Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг кўриқланадиган теграларида ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишларини ўтказишга оид лойиҳаларни кўриб чиқиш учун – республика тоифасидаги объектлар учун – БҲМнинг 10 баравари; маҳаллий тоифадаги объектлар учун – БҲМнинг 5 баравари;</p> <p>Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда бино ва иншоотларни куриш ёки уларни бузиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқиш учун – юридик шахслар учун – БҲМнинг 20 баравари; жисмоний шахслар учун – БҲМнинг 1 баравари.</p>
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	30 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва шартлари (мезонлари)	<p>Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета хужжатлари ҳужжатлари моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни амалга ошириш учун лицензия эга бўлган лойиҳачи ташкилот томонидан ишлаб чиқилган бўлиши керак;</p> <p>Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета хужжатларида қўйидагилар акс эттирилиши мажбурий ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none">бинонинг фасад қисми;бино ва унинг атрофининг мавжуд ҳолати;кўча развёрткаси;қирқим (разрез);бош режа (M 1:500 масштабда);loyiҳchalardagi mawjud holat режаси.
10.	Хулосанинг амал қилиши муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	<p>Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.</p> <p>Ариза келиб тушганидан кейин 1 иш куни ичида Маданий мерос агентлигининг Илмий-эксперт кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) котиби аризани тегишлилик бўйича худудий бошқармалар ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашига юборади.</p> <p>Худудий бошқармалар ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши ариза келиб тушганидан кейин 10 иш куни ичида, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета хужжатларини ва объектни жойга чиқсан ҳолда ўрганади ҳамда тақдим этилган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета</p>

хужжатларидаги хато-камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишда маслаҳат ҳамда амалий ёрдам кўрсатади.

Ўрганиш натижаси юзасидан ўз хулосасини Кенгашга юборади.

Кенгаш ҳудудий бошқарманинг илмий-маслаҳат кенгаси хулосаси олинганидан сўнг 15 иш куни ичида лойиҳаолди ва лойиҳа-смета хужжатларини кўриб чиқади.

Кенгаш лойиҳа хужжатларини кўйидагиларга асосан кўриб чиқади:

архив маълумотлари;

тариҳий манбалар;

илмий адабиётлар;

жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция;

анъанавий меъморчилик мактаблари хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда.

Кенгаш томонидан ижобий хулоса беришга қарор қилинган тақдирда, ушбу Паспортнинг 7-банди талаби асосида шакллантирилган тўловни тўлаш учун ҳисобварак кўрсатилган инвойсни ёки давлат хизмати кўрсатилишини рад этишнинг аниқ асосларини қонунчилик хужжатлари билан асослаган ва QR-код кўйилган салбий хулосани Давлат хизматлари марказига электрон тарзда ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига автоматик тарзда юборади.

Ариза берувчи томонидан инвойсда кўрсатилган тўлов амалга оширилганидан сўнг 4 иш куни ичида Кенгаш QR-код кўйилган ижобий хулосани Давлат хизматлари марказига электрон тарзда ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига автоматик тарзда юборади.

Ариза берувчи томонидан инвойсда белгиланган тўлов тўлиқ тўланмаслиги ёки белгиланган муддатда тўланмаслиги хулоса беришни рад этиш учун асос бўлади.

Жисмоний ва юридик шахсларга хulosалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
17-илова

**Уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда
нав тозалигини баҳолаш бўйича хulosа бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хulosса номи	Уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича хulosа
2.	Хulosса талаб қилинадиган фаолият (объект, харакат, маҳсулот ва бошқалар)	Уруғлик пахта чигити тўдасидан танлаб олинган нав намуналарини тупроқда нав тозалигини баҳолаш ва амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш
3.	Хulosса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	Хulosани беришга ваколатли орган (лар)	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
5.	Хulosса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар хужжатлар ва	a) ариза. Аризада куйидаги маълумотлар кўрсатилади: юридик шахслар учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг почта манзили, фаолиятни амалга ошириш жойи, телефон рақами, СТИР, электрон почта манзили (мавжуд бўлса), нав намунаси сақланаётган манзил, нав намунасининг нави, авлоди ва сони; жисмоний шахслар учун – ФИО, ЖШШИР, яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса); б) фаолиятни амалга ошириш манзили, нав намунасининг нави, авлоди ва сони; в) нав намуналари хужжатлари.
6.	Хulosса берганлик учун ундириладиган ийғим миқдори	Базавий хисоблаш миқдорининг 4,5 баравари
7.	Хulosса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	Паспортнинг изоҳ қисмида белгиланган
8.	Хulosса беришнинг талаб ва шартлари (мезонлари)	Паспортнинг изоҳ қисмида белгиланган
9.	Хulosанинг амал қилиш муддати	Чекланмаган
10.	Изоҳ	Умумий қоидалар Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Ўзагроинспекция) илмий-тадқиқот институтлари, уруғлик етиштирувчи ва элита уруғчилик хўжаликларда етиштирилган навлардан белгиланган тартибда намуналар танлаб олади, тегишли хужжатларни расмийлаштиради, рўйхатга олади, дала тажриба майдонига экади, парвариши қиласиди, методик ва агротехник тадбирларни ўтказади, навдорликни баҳолаш ишлари амалга оширилишини ҳамда

баҳолаш хulosалари ариза берувчига тақдим этилишини таъминлайди;

ариза берувчи нав намунасини танлаб олиш ва Ўзагроинспекциянинг дала тажриба майдонига жўнатиш учун зарур шароит яратади ҳамда ушбу жараёнда иштирок этади.

Нав намунаси Ўзагроинспекциянинг дала тажриба майдонида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ва истиқболли деб ҳисобланган ғўза навларининг дориланиб тайёрланган уруғлик чигит тўдаларидан танлаб олинган нав намуналарини дала тажриба майдонида экиб ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан уруғлик тўдаси тозаланган, сараланган ва дорилангандан сўнг, нав намуналарининг нав тозалигини (навдорлиги) баҳолаш учун 1 мартдан кечикитмаган ҳолда мурожаат қиласи.

Ўзагроинспекция навдорликни баҳолаш ишлари бўйича буюртма бериш муддати 1 марта қадар этиб белгиланганлиги ҳакида ўзининг расмий веб-сайтида январь ойининг биринчи ўн кунлигига эълон беради.

Ариза берувчи томонидан нав намунаси 1 март кунига қадар тақдим қилинмаса, ариза берувчининг мурожаати рад этилади.

Нав намуналарини танлаб олиш тартиби

Давлат хизматлари кўрсатиш учун Ўзагроинспекциянинг мутахассислари томонидан уруғлик тўдаларидан амалдаги стандарт талаблари асосида ариза берувчи ёки унинг ишончли вакили иштирокида нав намуналарини беш иш кунида танлаб олинади ва далолатнома расмийлаштирилади.

Танлаб олинган ҳар бир нав намунасида ташқи ва ички ёрлиқлар бўлиши керак.

Хар бир нав намуналарининг ёрликларида уруғлик тайёрловчининг номи, экин тури, нави, авлоди, уруғнинг келиб чиқиши, тўда рақами, тўда вазни, апробация бўйича нав тозалиги ва намуна вазни каби маълумотлар бўлиши лозим.

Нав намуналарини танлаб олишда уруғлик сақланиш шароитлари текширилади ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан бирга нав назорати учун танлаб олинган уруғлик чигитнинг ўртача намуна далолатномаси Ўзагроинспекциянинг мутахассиси томонидан расмийлаштирилади. Далолатноманинг битта асл нусхаси ариза берувчига ёки унинг вакилида қолдирилади.

Мазкур далолатноманинг асл нусхаси намуна билан биргаликда бўз қопчаларга жойлаштирилиб, икки иш кунида дала тажрибаларини ўтказиш майдончаси (ГРУНТ нав назорат) яъни, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тупроқда баҳолаш, ободонлаштириш, бино ва ердан фойдаланиш бўлимига юборилади.

Нав намуналарини экишга тайёрлаш

Танлаб олинган нав намуналари бир иш кунида рўйхатга олинади ва экиш рўйхати (екиш ведомости) тузилади.

Рўйхатга олинган нав намуналаридан экиш учун ишчи намуналари тайёрланиб, маҳсус бўз қопчаларга жойлаштирилади ва уч иш кунида майдончаларнинг тартиб рақами қўйилади.

Экиш учун жамланган барча нав намуналари касаллик ва зааркунандаларга қарши кимёвий препаратлар билан ишлов берилган бўлиши лозим.

Кимёвий препаратлар билан ишлов берилмаган тўдалардан олинган нав намуналари бўйича давлат хизматларини кўрсатиш Ўзагроинспекция билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Нав намуналарини экиш

Нав намуналари худуд учун мақбул бўлган муддатда, яъни обҳаво, табиий иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда март ва апрель ойларида экиласди.

Нав намуналари дала тажриба майдонида 25 метр узунликда икки қайтариқда экиласди.

Нав намуналари юқори авлодлар бўйича тартиб асосида экиласди.

Тажриба даласида униб чиқмаган хатолар ўрнига экиш ва қайта экишга рухсат этилмайди.

Экинларни парваришлиш ишлари худудда амалда бўлган агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Нав тозалигини баҳолаш натижаларини расмийлаштириши

Нав намуналарида нав тозалиги ҳар йили август ойида нав муаллифи томонидан тақдим этилган навларнинг морфологик белгилари тавсифномаси асосида аниқланади.

Нав намуналарининг таҳлил натижаларига кўра Ўзагроинспекция томонидан ижобий ёки салбий хуносалар расмийлаштирилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга хулосалар бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
ягона маъмурий регламентига
18-илова

**Дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни телерадиоканаллар орқали
реклама қилиш бўйича хулоса бериш
ПАСПОРТИ**

1.	Хулоса номи	Дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни телерадиоканаллар орқали реклама қилиш бўйича хулоса
2.	Хулоса бериладиган объект (харакат, фаолият, товар ва бошқалар)	Дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни телерадиоканаллар орқали реклама қилиш
3.	Хулоса олишни сўраб мурожаат қиласидиган шахслар тоифаси	Юридик шахслар
4.	Хулосани беришга ваколатли орган (лар)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
5.	Хулоса олиш учун талаб этиладиган маълумотлар ва хужжатлар	Ариза. Аризада қўйидаги маълумотлар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукукий шакли, унинг поча манзили, фаолиятни амалга ошириш жойи, телефон рақами, СТИР, электрон поча манзили (мавжуд бўлса); дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларнинг телерадиоканаллар орқали reklamasin.uz контенти (файл, аудио, видеоролик, реклама матни).
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Йиғим ундирилмайди
7.	Хулоса берганлик учун ундириладиган йиғим миқдори	Йиғим ундирилмайди
8.	Хулоса бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддати	5 иш куни
9.	Хулоса беришнинг талаб ва мезонлари	Дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларнинг телерадиоканаллар орқали reklamasin.uz контентининг “Реклама тўғрисида”ги Конун, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Конун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 23 январдаги ПФ-20-сон Фармони ва бошқа қонунчилик хужжатларида, шунингдек, дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларга оид техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган талабларга, қўллаш йўриқномаларига мувофиқлиги.
10.	Хулосанинг амал қилиш муддати	Чекланмаган
11.	Изоҳ	Юридик шахснинг ташкилий-хукукий шакли, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, хулосани қайта расмийлаштириш талаб этилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “29” мартағи 169-сон қарорига
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Дарё транспортида давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”
2022 йил 7 апрелдаги 167-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “кемаларнинг техник лойиҳа ҳужжатларини
келишиш” сўzlари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

**2. Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий
регламентида:**

1-банндаги “ҳамда техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш” сўzlари
чиқариб ташлансан;

6-бобнинг номидаги “кемаларнинг техник лойиҳа ҳужжатларини
келишиш” сўzlари чиқариб ташлансан;

37-банндаги “ва техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш” сўzlари
чиқариб ташлансан;

13-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**3. Кемаларни қуриш, янгидан жиҳозлаш, таъмирлаш ва улардан
фойдаланиш даврида Регистр хизматлари учун тарифларида:**

2-бобнинг номидаги “техник лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш,
уларни” сўzlари чиқариб ташлансан;

6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “29” мартағи 169-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб хисобланаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сувларидан фойдаланишга оид рухсат этувчи ҳужжатларни бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 январдаги 9-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбоиси ҳамда қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 5 августдаги 431-сон қарорига 3-илованинг 60-банди “а” кичик банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариغا давлат хизматлари қўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари қўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 541-сон қарорига илованинг 28-банди “а” кичик банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш ва навдорлигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари қўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 16 декабрдаги 712-сон қарорининг 2-банди “б” ва “в” кичик бандлари ҳамда қарорга 2 ва 3-иловалар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ёнгин назорати ҳамда санитария-эпидемиология соҳасида давлат хизматларини қўрсатишни янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 апрелдаги 142-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

